

ТОШКЕНТ ҲАҚИЯТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2016 йил
14 май
ШАНБА
№ 39 (12883)

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлигининг, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак – миллатнинг руҳини йўқотмакдур" деган ҳикматли сўзлари ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Шунинг учун ҳам қачонки босқинчи ва истилочи кучлар эл-юртимизни ўзига қарам қилмоқчи бўлса, аввало, уни ўз тили ва динидан, тарихи ва маданиятидан, миллий ғуруридан жудо этишга уринган. Ўлкамиз қарамлик чангалига тушиб қолган истибод даврларида она тилимизнинг ривожланиш имкониятлари чеклаб қўйилгани ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбек тили қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, унинг шаклланишида миллоддан олдинги ва миллоддан кейинги дастлабки асрларда минтақамиз ҳудудига яшаган бактрийлар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа элат ва миллатлар ўз таъсирини кўрсатгани ҳақида мавжуд илмий манбалар далолат беради.

Ўзбек тилининг ҳар томонлама тараққий топиши ва адабий тил сифатида майдонга чиқишида қадимий туркий тил катта ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш табиийдир.

Шу борада Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Атоий, Саккокий, Лутфий каби илму фан ва адабиёт намояндларининг хизмати ва қолдирган мероси муҳим ўрин эгаллаганини қайд этиш жоиз.

Ўзбек адабий тили айниқса XIV-XV асрларда – Амир Темур ва теурийлар даврида ривожланишнинг янги, юксак босқичига кўтарилди. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий умумбашариат маданий хазинасидан муносиб ўрин олган ўлмас асарларини айнан она тилимизда яратиб, унинг шуҳратини бутун дунёга тараннум этди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад-ризо Огаҳий, Бобораҳим Машраб, Муқимий, Фурқат каби ўнлаб мумтоз адиб ва алломаларимизнинг ижодида она тилимизнинг лугат бойлиги, бадиий имкониятлари, унинг гўзаллиги ва нафосати янада ёрқин намоён бўлганини таъкидлаш лозим.

Мустамакла тузумининг тазйиқларига қарамасдан, ўз ҳаётини халқимизнинг маънавий камолоти, она тилимизнинг равақ топишига бағишлаган Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Ўлпон, Абдулла Қодирий каби улуг маърифатпарварларнинг улкан хизматларини, бу йўлда ҳақиқий ватанпарвар, юртпарвар, миллатпарвар сифатида из қолдирган зиёли инсонларнинг номларини эл-юртимиз доимо хурмат билан эслайди.

Биз аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш, нуфузини оширишни ўзимиз учун энг устувор, узвий давом этадиган юксак мақсад деб билишимиз ва бу масаланинг аҳамияти ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур.

Бу борада 1989 йили юртимизда "Давлат тили тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани ва ушбу ҳуқуқий норма Конституциямизда муҳрлаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, 1990 йили Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат тили тўғрисида"ги қонунни амалга ошириш давлат дастури тўғрисида"ги қарори, 1993 йилда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонун, 1995 йили "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг янги таҳрири, 1996 йили ушбу қонунни амалга оширишга қаратилган давлат дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва шу каби бошқа ҳужжатлар қабул қилингани бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу соҳада яратилган норматив-ҳуқуқий база ўзбек тили билан бирга мамлакатимизда яшайтган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилини ривожлантириш ва уни эркин

қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланишни кафолатлаб келаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Айни шу аснода Ўзбекистонда миллий тилларни ривожлантириш учун кенг шароит яратилгани, бугунги кунда юртимизда таълим-тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари етти тилда фаолият олиб бораётгани жамиятимиз ҳаётида миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига янада чуқур интеграциялашувини таъминлаш мақсадида чет тилларни, хусусан, инглиз тилини ўқитишнинг комплекс тизими яратилиб, амалда кенг жорий этилмоқда.

Ана шундай ишлар қаторида ўзбек тили ва адабиётининг халқимиз, жамиятимизнинг маънавий ривожига, замонавий илм-фан тараққиётида тутган ўрни ва роли билан боғлиқ долзарб мавзуларда муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, кўплаб лугат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар нашр этилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича мутахассислар, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Айни вақтда бу соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз даркор. Энг аввало, она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, унинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш бугунги кунда ўта долзарб масалага айланмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, фундаментал фанлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-моллия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш ва шу каби ўта муҳим тармоқларда ўзбек тили ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллашига эришиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий лугатлар яратиш, зарур атама ва иборалар, тушулча ва категорияларни ишлаб чиқиш олдимида муҳим вазифа бўлиб турганини қайд этиш лозим.

Ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бетакрор хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини кучайтириш, таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш мақсадида:

1. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетидаги ўзбек тили ва адабиёти факультетлари ҳамда Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти негизда Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (кейинги ўринларда – Университет деб юритилади) ташкил этилсин.

Университет таркибида 3 та факультет: ўзбек филологияси, ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш, ўзбек-инглиз таржима факультетлари, шунингдек, Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти ташкил этилсин. Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи Университет таркибига ўтказилиб, унинг негизига Ўзбек тили ва адабиёти музейи ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Университет ўзбек тили ва адабиёти бўйича филолог мутахассислар, илмий-педагог кадрлар, юқори малакали таржимонлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, соҳа ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айни шу йўналишларда илмий ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Давоми 2-бетда. ➡

Кучли фуқаролик
жамияти сари

МАҲАЛЛАГА МУНОСИБЛАР БОШ БЎЛАДИ

Шу кунларда республика-мизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам фуқаролар йиғинлари раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови юқори савияда ўтказилмоқда.



Даврон АҲМАД олган сурат.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиқиб, сайловларни ошқоралик, муқобиллик ва тенглик принциплари асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунга қадар вилоятимиздаги мавжуд 1 минг 158 та фуқаролар йиғинларининг 150 дан ортиғида ўтган сайловлар шундай дейишга тўла асос беради. Мазкур жараёнда янги сайланган раисларнинг 1 минг 63 нафардан зиёд маслаҳатчиси ҳам саралаб олинди. Буни Қўриқрай туманидаги "Тошишти" маҳалла фуқаролар йиғинида

бўлиб ўтган сайлов мисолида ҳам кўриш мумкин. Ишчи гуруҳ томонидан ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда, йиғин раислигига 3 нафар, унинг маслаҳатчилигига 16 нафар ном-

зод кўрсатилди. Бунда, албатта, номзодларнинг ёши, маълумоти, ташкилотчилик қобилияти, раҳбарлик ва ҳаётий тажрибаси, шунингдек, аҳоли ўртасидаги обрў-эътиборига алоҳида аҳамият қаратилди.

– Барча жараёнлар қонунийлик тамойили асосида амалга оширилди, – дейди маҳалла фуқаролар йиғинида сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбари Ўткир Пискентбоев.

Давоми 2-бетда. ➡

Шукрона

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Юртбошимизнинг ушбу пурмаъно сўзлари замирида "Кеча ким эдигу, бугун ким бўлди?", деган саволнинг муҳим моҳияти мужассамлашган, десак хато бўлмайди.

КЎПНИ КЎРГАН ХАЛҚМИЗ

9 май – Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан пойтахтимиздаги Хотира майдонида ташкил этилган маросимда давлатимиз раҳбари мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз ҳаётида рўй берётган ўзгаришлар ва бу ютуқларнинг асосий омиллари ҳақида сўз юритиб, меҳр-оқибат – халқимизнинг энг олий, ноёб фазилати эканини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, аҳиллик, тотувлик, тинчлик-осойишталикни таъминлашда юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя ва меҳр-оқибат йўналишидаги кенг қўллами ишларнинг ўрни бекиёс.

Кўпни кўрган халқимиз ўз ўтмиши давомида турли синову машаққатларни бошдан кечирди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимизнинг олижаноблиги, бағрикенглиги ва инсонпарварлик хислатлари, айниқса, яққол намоён бўлди.

– Бугун кўз ўнгимизда юз бераётган оламшумул ўзгаришларни, бундай юксалиш ва фаровонлиқни илгари фақат орзу қилиш мумкин эди, – дейди ангрелик уруш

катнашчиси Турсунбой ота Фидоев. – Шу боис бугунги тинч ва фаровон, дориламон кунларга ҳар қанча шукрона айтсак кам. Уни асраб-авайлаш учун курашиш, фидойилик намуналарини кўрсатиш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир. Кези келганда мамлакатимизда биз, кексаларга кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиром хусусида ҳам тўхталмай илож йўқ. Чунки, ҳар қандамда халқимизнинг, Юртбошимизнинг беадоқ меҳр ва ғамхўрликларини ҳис этиб яшаймиз.

"Қариси бор уйнинг париси бор" деган халқ мақоли нурунийларнинг ўзбек оиласидаги юксак макомини, шу билан бирга уларга ҳурмат ва иззат кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилат эканини англатади. Истиқлол сабаб, бугун бу фазилат олий қадрият даражасига чиқди. Давлатимиз томонидан кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг саломатликларини сақлаш тизими янги босқичга чиқди.

– Кекса авлодга бундай ғамхўрлик кўрсатади-

ган давлат бўлмаса керак, – дейди меҳнат фаришси Фотиҳ ота Мирсоатов. – Кўни-қўшни, маҳалла-қўй доимо уйимизга келиб ҳолимдан хабар олиб туришади. Саломатлигимизни тиклаш учун турли сиҳаттоҳ ва тиббиёт муассасаларига бепул йўлланмалар беришади. Юртбошимиз томонидан биз кексаларга кўрсатилаётган эътибор дахшатли уруш йилларида бошимиздан кечирган қийинчиликларимиз учун энг олий мукофот, деб биламан. Илоҳим, юртимизга кўз тегмасин, истиқлолимиз абадий бўлсин, деб ҳаммиша дуодамиз.

Дуо билан эл кўкаради. Шундай дуогўй кексаларимиз бор экан, юртимиз янада гуллаб-яшнаверадим. Истиқлол берган имконлардан унумли фойдаланаётган ёшларимиз ҳам аждодларга муносиб авлод бўлиб, мамлакатимиз довуруғини дунёга танитишга ўз хиссаларини қўшиб бораверадилар. Бундай элнинг келажаги ўтмишида буюк бўлиши шубҳасиз.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

ВАКИЛЛАРИМИЗ МАМЛАКАТДА ПЕШҚАДАМ

Чирчиқ Олимпия захиралари коллежидида "Ёш чегарачилар" аънавий ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаси ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Маҳорат

Таъкидлаш жоизки, 13 жамоа иштирок этган мазкур беллашувнинг финал босқичида катнашчилар ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тайёргарлик, биринчи тиббий ёрдам, шунингдек, тарих, чет тили каби йиғирмага ақин йўналиш бўйича билим ва маҳоратини синовдан ўтказишди. Эътиборлики, вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Нуридод энегетика ва иқтисодиёт касбхона коллежининг "Энегетика" жамоаси юқори кўрсаткичларга эришиб, иккинчи ўринни қўлга киритди.

Аваз БЕКОВ.

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТГА ХОРИЖ ХАРИДОР

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган кенг қўллами ислохотлар саноат ва қайта ишлаш корхоналари сафини кенгайтириш баробарида ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турининг кўпайишига замин яратаяпти. Энг муҳими, бу саъй-ҳаракатлар, аввало, халқ фаровонлиги учун хизмат қилмоқда.

Made in Uzbekistan

Олмалик шаҳридаги "Карбон полимер" масъулияти чекланган жамияти яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб,

конвейер роликлари, электрографит ва металлграфит четкалар, графит ва капролон ишлаб чиқармоқда. Хорижлик ишбилар-



Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

монлар юқори баҳо бераётган бу маҳсулотлар ташқи бозорда ҳам муносиб ўрин эгаллаб улгурди.

Давоми 2-бетда. ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИАЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ
УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

3. Университетнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чуқур ўзлаштирган, давр талабларига жавоб берадиган юксак малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш;

илмий, бадиий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни ўзбек тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан таржима қиладиган таржимонлар тайёрлаш;

талаба ёшларни, ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш;

Ўзбек тили ва адабиёти, фольклорининг тарихан шаклланган адабий, лингвистик мактаблари ва таълимотларини, мумтоз ва замонавий методларини, буюк аждодларимизнинг ўзбек ва жаҳон тилшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси, уларнинг илмий мероси, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари, ўзбек тили ва адабиётининг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ этиш;

Ўзбек тилининг асл табиати ва хусусиятларини тўла акс эттирадиган мукамал академик ва ўқув грамматикаларини яратиш, унинг товушлар тизими ва уларнинг ёзувда акс этиши, жорий имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тақлифлар тайёрлаш, турли мавзу ва йўналиш-

◀ Бошланғич 1-бетда.

лар бўйича луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар яратиш;

умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг янги ва самарали методлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, илгор педагогик технологияларни кенг жорий этиш; она тилимизнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компьютер услубини, ўзбек тили ва дунёдаги етакчи хорижий тиллар асосида таржима дастурлари ва луғатлар, электрон дарсликлар яратиш билан боғлиқ илмий-методик ишланмалар, амалий тавсиялар тайёрлаш ва бу борада эришилган натижаларни амалиётга кенг татбиқ этиш.

4. Университет фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш учун иловга мувофиқ таркибда республика комиссияси тузилсин.

Республика комиссияси (Ш. Мирзиёев)га:

Университет фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорини тайёрлаш вазифаси топширилсин.

Ушбу қарорда Университетнинг таркибий тизимаси ва штат бирликларини тасдиқлаш, Университетни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, устав ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Университетни вақтинча жойлаштириш учун тегишли бино билан таъминлаш;

Университетни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, шу мақсадда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг тугатилаётган ўзбек филологияси, Низомий номидаги Тошкент

давлат педагогика университети-нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари ҳамда Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти-нинг раҳбар ва илмий ходимлари, профессор-ўқитувчиларини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш;

Университет олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув режалари ва дастурлар, ўқув адабиётларини тайёрлаш ва нашр этиш;

Университет учун қуриладиган ва реконструкция қилинадиган тегишли бинолар, унинг ҳудудидаги майдон ва ҳиёбонларни реконструкция қилиш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини ташкил этиш, хусусан, бош лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларни, истисно тариқасида, тендер савдолари ўтказмасдан танлаш, қурилиш-монтаж ишларини лойиҳа-қидирув ишлари билан бир вақтда олиб бориш ва уларнинг белгиланган муддатда молиялаштирилишини таъминлаш, қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишларини 2017 йилнинг 1 августига қадар якунига етказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўзда тутилсин.

5. Университетда ўқув жараёни 2016/2017 ўқув йилидан бошлаб ташкил этилсин ва 1-курсга қабул қўрсаткичлари бўйича тақлифлар ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этилсин.

6. Ўзбекистон Бадиий академияси бир ой муддатда:

Университетнинг бош биноси олдига майдонда улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали-

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри, 2016 йил 13 май.

И. КАРИМОВ

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТГА ХОРИЖ ХАРИДОР

Корхона маҳсулотлари айна пайтада Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Грузия мамлакатларига экспорт қилинаётди.

Жамият маҳсулотларидан саноат корхоналари, темир йўл, нефть-газ, транспорт, қончилик, тўқимачилик каби тармоқларда

◀ Бошланғич 1-бетда.

кенг фойдаланилади.

Яқинда бу ерда импорт ўрни босувчи яна бир маҳсулот – фторопласт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур ашё кистотага чидамли, иссиқ ва совуққа мослашувчан полимер тури ҳисобланади. Бу лойиҳа амалга ошган, қўшимча иш ўрни-

лари яратилди.

Корхона раҳбари Рустам Курбоналиевнинг айтишича, тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаларида мунтазам қатнашаётгани боис мижозлари уни мутасил кўпайиб бормоқда.

Муқаддас ИСРОИЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

«ЙИЛНИНГ ЭНГ
ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ»

танловига марҳамат!

Ҳурматли ҳамкасблар!
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни

"Йилнинг энг фаол журналисти" танловида қатнашишга таклиф этади.

Танловга 2015 йилнинг 1 июнидан 2016 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшитиришлар қабул қилинади. Материаллар танловга тахрирлар таъбири билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлари бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

"Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар "Йилнинг энг фаол журналисти" танловида деб кўрсатилган ҳолда, қуйидаги маълумотлар юборилиши лозим: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87. www.Journalist.uz

Диққат, танлов!

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ МУТАХАССИСИ» ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш мутахассисларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ёш авлод вакилларида Ватан туйғуси ва мамлакатда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширишга қўмаклашиш мақсадида "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танловини ўтказиш

"Энг фаол ёш авиоҳодим", "Энг фаол ёш банк ходими", "Энг фаол ёш геолог", "Энг фаол ёш дастурчи", "Энг фаол ёш кимёгар", "Энг фаол ёш жоник", "Энг фаол ёш металлург", "Энг фаол ёш оқ-оқват саноати ходими", "Энг фаол ёш олим", "Энг фаол ёш спорт мураббийи", "Энг фаол ёш темирйўлчи", "Энг фаол ёш транспортчи", "Энг фаол ёш шифокор", "Энг фаол ёш энергетик" номинациялари бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун касаба уюшмасига аъзо турли соҳаларда фаолият юритаётган 35 ёшгача бўлган фаол ёш мутахассислар таклиф этилади.

Танловда қатнашиш учун танлов номинацияси номи кўрсатилган ҳолда талабгор ўзи меҳнат қилаётган корхона касаба уюшмаси қўмитасига қуйидагиларни тақдим қилади:

– иш фаолиятига оид ва эришган ютуқларини

акс эттирувчи, тегишли ташкилот раҳбари томонидан имзоланган тавсия-файл тавсиянома; – маълумотнома-объективка; – паспорт нусхаси; – 2 та (3,5х4,5) оқ фондаги рангли фотосурат (электрон нусхаси билан бирга); – ўз меҳнат фаолиятида эришган ютуқларини тасдиқловчи ва акс эттирувчи ҳужжатлар; – мутахассиснинг манзили, уй ва иш телефонлари;

– қўшимча равишда, ижодий, бадиий ва илмий ишларининг нусхалари, янги ишланма ва лойиҳалари, лойиҳани татиқ қилиш механизми ва унинг самарадорлиги ҳақида маълумотлар, оммавий ахборот воситаларида ўз соҳасига оид

бирнинг уюшқоқлик билан ўтишини таъминламоқда. Туманнинг "Назарбек" маҳалла фуқаро-лар йиғинида бўлиб ўтган сайловда ҳудудда истиқомат қилаётган 4 мингга яқин аҳоли номидан 55 вакил номзодларнинг дастурларини диққат билан тинглаб, муносабат билдиришди. Хайрулла Исмоилнинг ёшларни турли ёт го-ва оқимлар таъсиридан асраш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларга, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги ниқоҳларнинг олдини олиш, маҳаллани янада ободонлаштириш ҳамда қўламазорлаштириш каби бир қатор вазифаларни қамраб олган дастури сайловчиларга кўпроқ маъқул тушди. Вакилларнинг 40 нафари уни ёқлаб овоз берди. Кейинги қисмда эса раис маслаҳатчилигига муқобиллик асосида кўрсатилган 18 номзоддан энг муносиб 9 маслаҳатчи сайлаб олинди.

Вакиллар билан бирга Хайрулла Исмоилго ишонч билдириб, овоз берди, – дейди маҳалла фаоли Собиржон Олимов. – Унинг бугунги таҳликали замонда доимо оғоҳ ва ҳушёр бўлишга, ҳозирги тинч ва осуда ҳаётимизга шукрона айтиб яшашга ундовчи фикрлари бизга маъқул келди. Бундан ташқари, у ўзининг фаоллиги, меҳнатсеварлиги, талабчан ва ишга масъулият билан ёндашиши сабаб ҳурмат қозонган.

Ишонамизки, бугун сайланаётган фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда бево-сита қатнашиб, Ватани-миз ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида мазкур муҳим жараён қўзғин паллада давом этмоқда.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

◀ Бошланғич 1-бетда.

БОЛА
ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг маънавий-маърифий ўқув-таълим тарихини ўқитиш ва иштирокида иштирок этган семинарда, ўқувчиларнинг руҳий ҳолати учун жавобгарлик масъулиятини нафақат ота-она, оила муҳити, балки у ўқийдиган таълим муассасаси жамоаси, ўқитувчилари зиммасида

Сайёра ЭШМАТОВА.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

ЮРТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ УЧУН ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА

"Ўзбектуризм" миллий компанияси ташаббуси билан "Marakanda Expedition" компанияси ҳамда Хусусий сайёҳлик компаниялари ассоциацияси ҳамкорлигида сайёҳлар учун қўлланма китоб тайёрланди. Ушбу қўлланма асосан МДХ мамлакатларидан ташириб буюрадиган сайёҳлар учун мўлжалланган.

140 саҳифадан иборат мазкур қўлланмадан юртимизнинг қадимий шаҳарлари, диққатга сазовор жойлар, тарихий ёдгорликлар, мажмуалар, миллий урф-одатларимиз, шаҳарлараро саяхат йўналишлари каби зарур маълумот ва фотосуратлар акс этган.

Китоб муаллифлари 38 турда-

ги сайёҳлик йўналишлари ва шаҳарларимизнинг батафсил хари-тасини китобга илова тарзида киритишгани диққатга сазовор. Қўлланма сўнггида рус-ўзбек тилидаги сўзлашгич ҳам юртимиз меҳмонлари учун қўлайлик ярата-ди.

"Туркистон-пресс".

ТАРБИЯЧИНИНГ ЎЗИ ТАРБИЯЛАНГАН БЎЛСИН

Зангиота туманидаги 12-Болалар мусика ва санъат мактабида "Йил тарбиячиси - 2016" кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Танлов



Янги педагогик технологияларни татбиқ этаётган илғор тарбиячиларнинг истеъдод ва ижодий қобилиятларини намуна сифатида намойиш этиш ва рағбатлантиришга қаратилган танлов туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда касба уюшмалари туман кенгаши ҳамкорлигида уюштирилди.

Иштирокчилар тақдимот-таништирув, ижтимоий-сиёсий жараён ва соҳага оид тезкор савол-жавоб, тарбияланувчилар билан очик машғулот ўтказиш ва қўлда ясалган буюмлардан фойдаланган ҳолда дидактик ўйин ёки эртадан парча ижро этиш каби шартлар бўйича билим ва иқтидорларини намойиш этишди.

Танлов якунларига

кўра, биринчи ўрин 4-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Нигора Раҳимовага насиб этди.

Инсон ҳаётидаги илк тарбия ўчоғи бу оила бўлса, кейингиси мактабгача таълим муассасасидир, — дейди Н. Раҳимова. — Бўгча болалар яхши тарбия топадиган, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиб вояга етадиган, иқтидор ва қобилиятлари шаклландиранди маскан, деб биламан. Шунинг учун гуруҳимда тарбияланаётган 35 нафар болажоннинг таълим-тарбияси йўлида тинимсиз изланишга ҳаракат қиламан. Бугунги ютуқ эса фаолиятимни янада жонлантиришга туртки беради.

Яқинда, "Ишбилармон", "Зукко", "Меҳрибон", "Болажон" ва "Зукко" тарбиячи номинациялари бўйича ҳам қолиблар аниқлашиб, ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.
Даврон АХМАД
олган сурат.

Интилиш

Мамлакатимизда ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик кўникмасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Менинг бизнес-ғоям" кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этмоқда.



БИЗНЕСГА МОЛИЯВИЙ КЎМАК

Кўни кеча мазкур танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ва бир қатор тижорат банклари ҳамкорлигида ёш ишбилармонларни муносиб рағбатлантириш, уларга ҳар

томонлама кўмак бериш, турли лойиҳа ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда 147 нафар ўқувчи иштирок этди. Уч кунлик семинар-тренинг тарзида ўтказилган танловда иштирокчиларга мутахассислар томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, ёш тадбиркор-

ларга имтиёзли кредитлар ҳақида маълумотлар берилди. Шу билан бирга, иштирокчиларнинг бизнес-ғоялари ўрганилди.

Яқини натижаларга кўра, 11 нафар иштирокчи танловнинг республика босқичига йўланмани қўлга киритди. Шунингдек, яна 70 нафар иштирокчининг бизнес-ғоялари молиялашти-

ришга тавсия этилди.

Ғолиб ва совриндорларга махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Исмоилжон Эргашов ҳам иштирок этди.

Аваз ИСРОИЛОВ,
Мансур НАХАЛЛОВ
олган сурат.

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ ВА РАҒБАТ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан "Энг яхши электрон ахборот-таълим ресурслари" кўрик-танлови ўтказилди.

Мазкур кўрик-танловнинг ўтказишдан кўзланган мақсад таълим-тарбия жараёнида замона-

вий ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни самарали қўллаётган ўқитувчилар-

нинг ижодкорлигини ошириш, ўқувчилар орасида дастурлаш йўналиши бўйича энг иқтидорликлари аниқлаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш, ижодий изланишларини рағбатлантиришдан иборат.

Кўрик-танлов якуний натижаларига кўра, ғолибликни қўлга киритган ўқитувчилар вазирлик томонидан тақдим этилган диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

"Туркистон-пресс".

Агар огоҳ сен...

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, инсон ва унинг манфаатлари учун. Шу сабабдан фуқароларимиз тинчлиги, оилалар фаровонлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тинчлик ва оқолиятликнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш эса нафақат тегишли ташкилотлар, балки ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчидир.

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИКМАТ КЎП

Жамиятда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ички ишлар идораларининг ўрни катта.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида милиция таянч масканлари ташкил этилган бўлиб, улар фуқаролар тинчлиги йўлида тиним билмай ҳаракат қилишмоқда. Жумладан, профилактика инспекторлари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳалла ва таълим муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотларида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам бу борада яхши самара бермоқда.

Айни кунларда юртимиз ҳаётида содир бўлаётган катта воқеа — фуқаролар йиғини раислари сайлови давомида бу жараён янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳаллалар тинчлиги, турмушимиз фаровонлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан бир қаторда фуқароларимизнинг огоҳлигига ҳам боғлиқ. Агар биз атрофимиздаги воқеаларга беэътибор бўлмасак, ҳушёрлик билан ҳар қандай вазиятга ўз муносабатимизни билдирсак, шунингдек, профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда иш олиб борсак, ҳар кунимиз тинч ва осуда ўтишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Миршоджон САЙДУЛЛАЕВ,
ИИБ академияси тингловчиси.



ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 14 май кўни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, момақалдиқ бўлиши эҳтимоли бор. Шарқдан есаётган шамол йўналишини ўзгартириб, ғарбдан секундида 5-10 метр тезликда есади. Шамол тезлиги қучайиб, секундида 12-17 метргача етиши мумкин. Кечаси 16-18, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қўсқа мўддатли ёмғир ёғиб, момақалдиқроқ бўлиши эҳтимоли бор. Ғарбдан секундида 7-12 метр тезликда есаётган шамол баъзи жойларда қучайиб, секундида 15-20 метргача етиши мумкин. Кечаси 13-18, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қўсқа мўддатли ёмғир ёғиб, момақалдиқроқ бўлиши эҳтимоли бор. Ғарбдан секундида 7-12 метр тезликда есаётган шамол баъзи жойларда қучайиб, секундида 15-20 метргача етиши мумкин. Кечаси 7-12, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

Дарвоқе

Бугун бирор соҳани ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Жумладан, юсак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва малакага

эга, янгича дунёқараш ва мустақил фикрли мутахассислар тайёрлаш учун таълим жараёнида ушбу воситалардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда.

ҚИРҚ БЕШ ДАҚИҚА КИФОЯ ЭМАС

Ахборот технологиялари, хусусан мультимедиа воситалари асосида дарс ўтиш ўқитувчиларнинг ишини осонлаштириб, ўқув жараёнини бошқариш ва самарадорлигини оширишга замин яратди. Шунингдек, аниқ фанларни тўлиқ

компьютер асосида ўқиш, маъруза матнларини таҳрир қилиш, ўқувчилар аниқлаш элементларини дарс жараёнида қўриш, эшитиш ва мулоҳаза қилиш имкониятларига эга бўлади.

Педагог олимлар ахборот технологиялари

ёрдамидаги таълимни дарсдаги маълумотларнинг тез, тушунарли ва ёдда қоларли бўлишини таъминловчи усул эканини эътироф этганлар. Ўқувчи ўқитувчининг оғзаки маърузасидан кўра, кўргазмали воситалардан фойдаланиб

тушуниришидан кўпроқ таъсирланар экан. Уларда бундай дарсларга нисбатан қизиқиш юқори даражада бўлади. Демак, деярли барча фанларни ўқитишда бундай илғор усулни қўллаш фойдадан холи бўлмайди.

Саодат САЙДУЛЛАЕВА,
Тошкент Давлат
иқтисодий университети
"Эконометрика"
кафедраси ассистенти.

СЎЗ АЙТМОҚ МАСЪУЛИЯТИ

Вилоятда оммавий ахборот воситаларини маънавий қадрлар билан таъминлаш, таҳририятлар ишини замон талаблари даражасида ташкил этиш, босма нашрлар ижодий ва техник ходимларининг касб маҳоратини оширишга қаратилган амалий семинарлар ўтказиш яхши аънаънага айланган. Яқинда Чирчиқ шаҳрида худди шундай анжуманнинг навбатдагиси бўлиб ўтди.

Семинар



Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси, Журналистлар ижодий уюшмаси худудий бўлими ҳамда "Чирчиқ тонги" газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуман "Оммавий ахборот воситалари фаолиятини таъминлаш тизимида муҳаррир масъулияти" мавзуга бағишланди.

Семинарда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари С. Самойлов, Ж. Отажонов, вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи З. Эралиева, Журналистлар ижодий уюшма-

си худудий бўлими раҳбари У. Абдушохидов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида соҳа ривожига қаратилган эътибор, қабул қилинаётган қонунлар ва уларнинг моҳияти, журналистлар касб маҳоратини ошириш, тизимда устоз ва шогирдлик аънаъналаридан кенг фойдаланиш, таҳририятлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий механизми ҳақида атрофлича фикр юритиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга муфассал жавоб қайтардилар.

Қайд этилганидек, айни

пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа муҳим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни жойларга етиб боришини таъминлаш оммавий ахборот воситалари ижодкоридан тезкорлик, ҳолислик билан бир қаторда фидойилик, касбий маҳорат ҳамда тажриба талаб этади. Бинобарин, бугунги шиддаткор ахборот асрининг ўзи матбуотнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини оширишга қаратилган бир қатор муҳим ва устувор вазифаларни кун тартибига қўймоқда.

Аънаъна дуофасида, семинар дастури муносиб унга мезбонлик қилган "Чирчиқ тонги" газетаси ижодий жамоасининг 2016 йилининг биринчи чорағидаги фаолияти атрофлича таҳлил қилинди. Кейинги йилларда газетанинг нашр сифати, дизайни яхшиланиб, ўқувчилар сони ортиб бораётгани, таҳририят жамоасига ёш, ташаббускор ёшлар, жамоатчи муҳбирлар кенг жалб этилаётгани эътироф этилгани ҳолда, нашр мазмун-мундарижасини янада яхшилаш, хусусан, мавзуга ва жанрлар хилма-хиллигига эришиш, руҳ ва сарлавҳалар, суратлар устида ишлаш борасида фикр алмашилиб, таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

Алишер РАҲМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан: Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 12 май куниндаги 11-1235/5501-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Ўртаовул" ҚФЙ, 1-уй манзили бўйича жойлашган, умумий ер майдони 5,95 Га, қурилиш майдони 15 478,78 кв.м., ҳовли 44 182,22 кв.м. бўлган "МТП бино ва иншоотлари" тақдоран савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 279 690,58 АҚШ доллари.

Тўлов реализация қилиш куниндаги АҚШ долларининг сўмга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк курси бўйича Ўзбекистон Республикаси сўмида амалга оширилади.

Аукцион савдоси 2016 йил 31 май кўни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 31 май кўни ўтказиладиган сав-

доларга 2016 йил 27 май соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини (закалат пули тўлови, тўланадиган кўнидаги АҚШ долларининг сўмга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк курси бўйича Ўзбекистон Республикаси сўмида амалга оширилади) тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия RR-0148.

Олмалиқ шаҳар ТСРЎИ томонидан 2015 йил 27 апрель кўни 1125-сонли реестр тартиб рақами билан қайта рўйхатга олинган Олмалиқ "SUVOQOVA" МЧЖ (ИНН 200599855) ҳамда Чирчиқ шаҳар ТСРЎИ томонидан 2015 йил 27 апрелда № 079-реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган "CHIRCHIQ SUVOQOVA" МЧЖ (ИНН 200941730) Қибрай тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "TOSHVLSUVOQOVA" ДУК Олмалиқ "SUVOQOVA" МЧЖнинг ҳамда "CHIRCHIQ SUVOQOVA" МЧЖнинг барча турдаги мажбуриятлари юзасидан ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Давволар Қибрай тумани, Қибрай шаҳарчаси, У. Юсупов кўчаси, 1-уйда ёки 150-56-00 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Қисқа ва лўнда

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан Миллий Олимпия кўмитасида "Уч авлод учрашуви"ни ташкил этди. Бир қатор ҳамкор ташкилотлар иштирокида ўтказилган тадбирда мамлакатимиз спорт соҳасига муносиб ҳисса қўшган фахрийлар ва ёш спортчи аёллар, мураббийлар хизмати эътироф этилиб, ҳурмат кўрсатилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши Янгийўл иқтисодиёт касб-хунар коллежидида ташкил этган маънавий-маърифий тадбир Хотира ва қадрлаш кўнига бағишланди. "Инсон хотираси билан барҳаёт, қадр билан улғудир" шиори остидаги кечадда вилоят шаҳар, туманларидан тақлиф этилган уруш ва меҳнат фахрийларига иззат-икром кўрсатилиб, эсдалик совғалари тақдим этилди.

Вилоят "Турон" ахборот-кутубхона марказида "Улуғ аждодларга сўнмас эҳтиром" мавзуда адабиётшунос олимлар, шоир, ёзувчи ва китобхонлар иштирокида давра суҳбати, шунингдек, "Хотирасиз келажак йўқ" номли китоб кўргазмаси ташкил этилди.

Юқори Чирчиқ туманида "Хотира боқийдир, қадр муқаддас" шиори остида хайрия тадбири ташкил этилди. Ўзбекистон ХДП туман кенгаши, таълим ва фан, маданият ходимлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш каби ташкилотлар касба уюшмалари туман кенгашлари ҳамкорлигида ўтказилган учрашув иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишланди.

Офарин

...Туман марказидан чиқиб, катта йўл бўйлаб тепага одимласангиз, йўлнинг икки томонидаги ям-яшил водий билан рўбарў келасиз. Азалдан боғдорчилик, узумчилик анъаналари билан маълуми машҳур бўлган Заркент қишлоғининг бепоён боғ ва токзорлари тароватидан кўзингиз қамашади. Шундай қароқ майдонларда ер бағирлаб, илонизи бўлиб ўсган навихолларни кўриб,

хайратга тушасиз. Бамисли, қуёшдан нур, она заминдан қувват олаётгандек. Беҳтиёр табиатнинг саховатию деҳқоннинг омилкорлигидан лол қоласиз. Шунда машҳур сатирик ёзувчимизнинг худди шу қишлоқда меҳмон бўлган чоғлари айтган мана бу ибораси ёдингизга тушса, ажабмас: "Заркентлик боғбон қасд қилса, томга узум экиб, ҳосилни бўғотнинг остидан тортиб оларкан..."

ГИННЕС КИТОБИГА ПАРКЕНТДАН РЕКОРД



Хурсанд ота Курбоналиев ана шундай "қилни қирқ ёрайдиган" лардан. Истараси иссиқ, сўзга чечан, ҳар қандай суҳбатдошни ҳам бир лутфи билан ўзига ром қилиб оладиган кекса боғбон эсини таниганидан буён боғ-роғлар мафтун. Бугун саксонни қоралаб қолганига қарамай, ҳамон тетик, тиниб-тинчимайди. Ичига қирқ йигитнинг шижоатини қамаб олгандай. Нима дейсиз, Яратган эгам куч-қувватни ҳам инсоннинг феълига, нияту мақсадларига қараб бераркан-да...

Бордию, Гиннеснинг "Рекордлар китоби"ни янги кашфиёту қойилмақом қайдлар билан бўйлаб кетдик. Биринчи кўрақ бўлса, бемалол Заркент қишлоғидаги мўжизаларни ёзса бўлади. Муболага қилаётганимиз йўқ. Мана, Хурсанд отанинг боғлари-

ни олинг. Ақл бовар қилмайди. "Кўз – кўрқок, қўл – ботир", деганлари шу-да. Гап шундаки, отахоннинг оиласи яшаётган "Сой" маҳалласидаги чоққина ҳовлининг этаги шундоқ қир-адирга туташиб кетган. Бир

қарашда, бунақа қияликда тик оёқда туришнинг ўзи ваҳима. Қиялиги саксон беш даражадан кам эмасдир-ов. Инсон иродаси, матонати, кўрингки, Хурсанд ота ана шу "оёқтурмас" қияликни нақ жаннатга айлантириб

қўйди. "Шу жойни обод қилсам" деб, мурожаат қилганда, ҳокимлик мутасаддилари қўллаб-қувватлашди. Ерни бириктириб беришди. Ўғил-қизлари, набиралари ёрдамида жуда қисқа фурсатда мана шу тоғу тошда боғ қўқартирди.

Албатта, бунақанг қароқ жойни ҳовулаб сув ташиган билан обод қилиб бўлмайди. Кўпни кўрган отахон бунга жуда яхши билади. Шунинг учун замонавий боғдорчилик технологияларига таянди. Адл қўчатлар бўйлаб полиэтилен қурувлари ёнбошлатди-да, махсус агрегат ёрдамида сойдан сув чиқарди. Қараб-

сизки, томчилатиб сўғориш усули қўл келиб, қўчатлар текис қўқартириб олинди.

Яхши гапнинг, хайрли ишнинг "қаноти" бўлади. Отахоннинг ташаббуси нафақат қишлоқда, бутун туманда овоза бўлди, оммалашиб кетди. Ўзaro бир суҳбатда паркентлик ҳамкасбимиз Тўйчи Дўстматов уфққа туташиб кетган бу ажиб мевазорни "осмондаги боғлар" деб таърифлагани ҳам ёдимизда...

Аслини олганда, бозорларимиздаги серобчилик, ризқимизнинг бутунлиги, дастурхонларимиз фазли Хурсанд ота каби асл соҳибкорларнинг азму шижоати, меҳнату матонати тўғрисида эмасми?

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

Кулуннай чиққандан хурмо пишгунгача

Ўлкамиз боғларида етиштирилган меваларнинг таъми тилни ёради. Бозорларимиз деҳқон-у боғбонлар етиштирган маҳсулотлар билан тўла. Аммо, баъзан ана шу меваларни истеъмол қилиш орқали турли касалликлар келиб чиқиши ҳам мумкин.

Саломат бўлинг

Кўпинча бозорларда, кўчада ота-оналар болаларига меваларни юмсалдан бераётганликларининг гувоҳи бўламиз. Бозор расаларида турган меваларда чанг ва турли микроблар ёпишиб қолган бўлади. Санитария қоидаларига қўла уларни истеъмол қилиш мумкин эмас. Бундай ҳолларда ўткир диарея касаллигига чалиниш ҳеч гапмас.

Бу мавсумий касаллик бўлиб, айниқса, баҳор, ёз ойларида кўпаяди. Уни кўзгатувчи турли хил микроблар, айниқса, уч ёшгача бўлган болалар орасида кўп учрайди. Касалликка чалинишнинг асосий сабаби бола овқатини уй шароитида сақлаш ва тайёрлашда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслиқдир. Шунингдек, бозорларда сифати кафолатланмаган маҳсулотлар, яъни морс, квас ва турли хилдаги мева шарбатлари ҳамда кўлбола "хон-дон" маҳсулотлари касаллик ўққларидан ҳисобланади.

Диарея касаллиги ҳар доим ҳам юқумли бўлавермаслиги мумкин. Қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникаларда оралъ регидратация пунктлари (ОРП) ташкил қилинган бўлиб, улар диареянинг юқум-

ли ёки юқумли эмаслигини ажратиш беради.

Болада касаллик аниқланса дарҳол шифокорга мурожаат этиш зарур. Шунингдек, бир ой давомидида парҳез сақлаш, илҳом борица кўпроқ суюқлик бериш керак. Чунки хасталик даврида бемор кўп микдорда суюқлик йўқотади.

Хуллас, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда фарзандларимизга аввало гигиена қоидаларини тушуниришимиз лозим. Уларга қайнамаган сув ва ювилмаган мева-сабзавотларни истеъмол қилиш мумкин эмаслигини ўқитириш жоиз. Қолаверса, ёз мавсумида маҳсулотларни тайёрлаш ва сақлаш тартибига эътибор қаратиш ҳам жуда муҳим. Сабаби, иссиқ кунларда маҳсулотларда микробларнинг кўпайиши учун қўлай шароит бўлади. Бундай маҳсулотларни истеъмол қилиш натижасида овқатдан заҳарланиш ҳолатлари содир бўлади.

Унутманг, касалликни даволашдан кўра, уни олдини олган афзал.

Бағля КАМАЛБАЕВА,
вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази шифокори.

Биласизми?

Ифтор чарчоқни олади

Япон олимлари ўсимлик ислари одамлардаги чарчоқни олишини исботладилар. Масалан, эвкалипт хиди чарчоқни кетказади. Лаванда ақли чарчлайди, ясмин кайфиятни кўтарайди, лола эса асабийлашишга чек қўяди.

Лекин ўсимликлар орасида лимонга тенг келадигани йўқ экан. Унинг исси хомиллар иш қобилиятини 54 фоизгача ошираркан.

Олдин ёки кейин

Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари" асаридида ичимликларни овқатдан кейин истеъмол қилиш жуда зарарли эканини, бу овқатнинг қийин ҳазм бўлишига, озиқ моддаларнинг чириши ва ичакларда тикилиб қолишига, охир-оқибат касалликларга сабаб бўлишини таъкидлаган.

Чунки ҳар бир таом яхши ҳазм бўлиши учун обдон чайналади ва меъдада шу таомга шира ажралади. Агар овқатга қўшимча сув, шарбат, чой ичиlsa, меъда шираси суюлиб, ўз кучини йўқотайди ва овқат ҳазм бўлиш жараёни бузилади. Шунинг учун суюқликларни овқатланишдан 15-20 дақиқа олдин ёки овқатдан сўнг 20-30 дақиқа ўтказиб истеъмол қилиш керак.

Нозима РАҲИМОВА тайёрлади.

Муниса ҳар куни мактабига ер ости йўлидан ўтиб боради. Зиналардан тушар экан, қулоғига скрипканинг ҳазин ноласи эшитилади. Уни ўзи тенги рангпаргина қиз чалаётганини билади. Қўлла-

ри ҳам ориққина. Лекин у чалаётган куй қалбни ларзага солади: нақадар мунгли, нақадар ҳазин... Муниса табиатан куй-қувчан. Бир куни ойиси тушликка деб берган пулидан скрипканининг олдидаги туфли қутисига ташлади. Қиз унга раҳмат дегандек, жилмайиб қўйиб, чалишда давом этди. Муниса куй тугашини кутиб ўтирди. Бу орада қизчанинг қутисига яна уч-тўрт киши пул ташлаб ўтди. Қиз кўз қири билан пулларга қараб кўяр, бироқ куйини тўхтатмасди. Ниҳоят, куй тугади. Қиз скрипканини гилофига жойлади-да, ўзига хайрон қараб турган Мунисага маъюсина жилмайди. Лекин бир сўз демей, йўлга тушди. Муниса унга эргашди:

– Исиминг нима, – сўради у.
– Нозима, – деди скрипкачи.
– Мактабда ўқимайсанми?
– Йўқ, – деди қиз тўхтаб. – Укам ёлғиз, онам касал. Уларни боқиб-шим керак.
– Скрипкачи яхши чаларкансан. Қаредан ўрганганми?
– Скрипка дадамники, чалишни ўзлари ўргатганлар.
– Ҳозир даданг қаредда? – Муниса қизнинг қўлидан тутди.

– Соат иккида ойимнинг дориларини ичиришим керак, дорихонага қираман. Бугун яхши пул тушди. Иссиқ нон ҳам оламан. Укам Содиқжон иссиқ нонни яхши кўради.

Ҳаёт манзаралари



– Даданг ҳақида айтмадинг?
– Дадам, – синиқ жилмайди Нозима. – Дадамнинг... номи бор, холос. Бир пайтлар машҳур созанда бўлган. Катта-катта саҳналарда концерт берган. Кейин ичкиликка берилиб, пиёниста бўлиб қолди. Ичмаган пайтларида роса меҳрибонлар. Менга ҳар хил куйларни ўргатадилар. Аммо ичиб олсалар, ҳеч кимни танимайдилар. Ҳатто, мен топган пулларни ҳам олиб қўйиладилар... Майли, мен кетдим.

– Эй, шовша, қаредда турасизлар?
У манзилни айтди. Мунисанинг мактабига яқин экан. Шу куни Муниса уйига хомуш қайтди. Скрипкачи қиздан эшит-

ганларини онасига айтarkan, йиглаб юборди.

– Йиглама, қизим. Даданг келсин, ҳаммасини ҳал қиламиз, – деди Мавлуда опа қизининг бошини силаб.

Муниса дадаси билан бориб қизни кузатишди. У чалган куйларни обдон тингитди.

...Энди ер ости йўлидан скрипканинг ҳазин ноласи эшитилмай қолди. Бироқ, Муниса бундан сираям хафа эмас. Агар куй эшитгиси, дугонасини кўргиси келса, мусиқа мактабига боради. Нозима билан мириқиб суҳбатлашади. Дадасининг айтишини, у жудаям истеъдодли қиз экан. Устозлари шундай дебди.

– Нозима яқинда халқаро танловда қатнашиш учун боради, – деди дадаси.

Айтмоқчи, Мунисанинг дадаси Нозиманинг ойисига шифохонада даволанишига ёрдам берди. Кейин меҳрибонлик уйига ишга жойлади. Содиқжон ҳам унинг ёнида, шу ердан ўқишга боради.

Муниса ҳар куни мактабга бора туриб, ер ости йўлидаги Нозима ўтирадиган бурчакка хавотир билан қараб қўяди. Бўм-бўшлигини қўргач, енгил тортиб, мактабига йўл оларди. Унинг митти қалбидидаги улкан меҳр тўғрисидаги бир оила тиклангани, ёрқин истеъдод кашф қилинганлиги балки ўзи сезмас. Лекин дадаси у билан фахрланади.

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

Жинойятга жазо муқаррар

ОЙНИСА ХОЛАНИ ЙИҒЛАТГАН КИМ?

Қўшимиз Рўзмамат отанинг уйида бирдан аёлларнинг йиғи-сигиси эшитилди. Ҳайрон бўлди.

Жаббор омонатини топиштирибди...

У билан болалиқдан катта бўланмиз. Шаҳарга келгач, алоқаларимиз узилганди. Ёмон хабар тез тарқалади, дейишади. Билсақ, Жаббор гиёҳванд экан. Кўнгул сўрашга кириб Ойниса холага кўзимиз

Бекобод шаҳри, Жомий кўчаси, 32-хонадонда яшовчи Бахтиёр Артиков ҳам бегунохларнинг уюлига қолаётганлардан. Қизик, шу вақтгача у қанча одамнинг гиёҳвандлик кўчасига кириб, ҳаёти издан чиқишига "ҳисса" қўшди экан? Ахир, унинг машинасидан топилган 951,5 грамм "гашиш" гиёҳванд моддаси юзлаб одамларни домига тортиши мумкин эди. Таҳлилчиларнинг сўзла-

рига қараганда, дунёда бир ойда ўртача 110 миллиондан ортиқ киши бир марта бўлса-да, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилар экан. Бирлашган Миллатлар Ташкилати 117 мамлакатда тадқиқот ўтказиб, героин, кокаин, наша, марихуана, морфий ва бошқа гиёҳванд моддаларни асосан 14-21 ёшдагилар кўпроқ истеъмол қилишини аниқлади.

Аслида гиёҳвандлик жиноятчилик ва зўравон-

тушди. "Болам шўрлик кечалари ухломмай "оҳ-воҳ"лаб чиқарди. Оғриқнинг зўридан оёқларига болға билан урарди. Чигай олмайман, ўлдиришлар, гер-ди-и", деб хола ўзини тўрт тарафга отганча йишларди. "Шу дарди бедавога ўргатганлар, сотганлар ёлғизгинамдан айиришди, юрагимни куйдиришди, жазосини ўзинг бер", дея зорланарди она...

ликларнинг бош омили бўлиб, унинг савдосидан тушган маблағлар нияти бузуқ кимсаларнинг жирканч мақсадларини амалга ошириш учун сарф этилиши ҳеч кимга сир эмас. Зеро, кўплаб давлатлардаги безорилик, уюшган жиноий гуруҳларнинг тўқнашуви, аҳоли ўртасидаги кўрқув, одамларнинг турмуши издан чиқишига ҳам айнан шу иллат сабаб бўлаётгани рост.

Аллақачон қирқни қоралашга улгурган Артиковнинг иши тайин бўлмасаям майли-йди-я, у нафақат вилоятимиз, балки республикамиздаги нуфузли корхоналардан бирида ишларди. Маоши ҳам дурустгина эди. Касбдошларининг кўпи монтерликни Бахтиёрдан ўрганганлари ҳам бор гап. Хўш, унга нима етмасди? Топатган ҳалол пули камлик қилиб, ҳаромни афзал билдими?

Биласизми, шундай одамлар борки, улар ўз манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядилар. Бу йўлда ор-номуси, имонидан кечадилар. Ҳатто, уларга келаётган жаражарак пуллар, кўпчиликнинг ҳаётига зомин бўлаётгани ҳам тўсқинлик қилолмайди. Мақсад, ният бир – нима қилиб бўлса ҳам осон йўл билан мўмай пул орттириш.

Тасаввур қилинг, Бахтиёр Артиков сотмоқчи бўлган модда қайсидир йўл билан унинг акаси, укаси ё ўғлига етиб келса-ю татиб қўриб унинг "қули"га айланса? Шундай бўлиши мумкин-ку? Наҳот шу хаёл Артиковни манфур қилмишидан қайтармаган бўлса?


Суд Б. Артиковнинг ишини кўриб чиқиб, одилона ҳукм қилди. Унга кўра, Б. Артиков 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Одил ҚАЙТМАТОВ.

Спорт

Паркент туманида белбоғли кураш бўйича анъанавий республика очик турнири бўлиб ўтди.

АНЪАНАВИЙ КУРАШ БАЙРАМИ



Хотира ва кадрлар кунига бағишланган мазкур турнир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Белбоғли кураш федерацияси ҳамда Паркент тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда республикамизнинг барча ҳудудларидан 200 нафардан зиёд энг кучли полвонлар иштирок этишди.

Кутилганидек, бу йилги турнир ҳам қизиқарли ва мurosасиз баҳсларга бой бўлди.

Турнирнинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси раиси Р. Дастиров, Паркент тумани ҳокими Ҳ. Алимов ва бошқалар юртимизда қадимдан кураги ерга тегмаган полвонлар етишиб чиққанлиги, улар нафақат кураш майдонларида, балки ҳамиша халқимиз ва юртимиз ора, гурури, она Ватанимиз равнақи йўлида жонбозлик кўрсатиб келганлиги, бу каби тадбирлар эса бугунги ёш полвонлар қалбидида ҳам ватанпарварлик ҳамда мардлик туйғуларини сингдиришга хизмат қилишини таъкидлашди.

Мусобақа якуний натижаларига кўра Хусан Зоиров (45 кг), Бекзод Абдурахмонов (50 кг), Достон Суёнов (55 кг), Хурсанали Умаров (60 кг), Улуғбек Умаров (66 кг), Суннат Маҳкамов (73 кг), Шоҳжаҳон Шоюнусов (81 кг), Рустам Умаров (90 кг), Нуриддин Маҳаматов (100 кг), Фолиб Аҳмедов (+100 кг)лар фахрли 1-ўринни кўлга киритди.

Белбоғли кураш бўйича халқаро турнир голиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Улуғбек АСРОРОВ,
"Туркистон-пресс" муҳбири.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи

**Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ**

Маълумият:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:
thaqiqat@mail.ru

Қабулхона:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).

Бўлим муҳаррирлари ва

муҳбирлар:

233-38-23, 233-48-08.

Шартнома ва эълонлар:

233-81-21, 233-65-59.

Ҳисоб-китоб бўлими:

233-54-10.

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).

233-38-23, 233-48-08.

233-81-21, 233-65-59.

233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ

Навбатчи

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ